O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI TERMIZ TUMANI HOKIMINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТ
РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
ТЕРМЕЗСКОГО РАЙОНА

2020 у « 30 » Апрель № К-459 «____»_____20___ г

Туман худудларидаги каналлар, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларининг сувини муҳофаза қилиш зоналари ҳамда соҳил бўйи минтақаларини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 декабрдаги 981-сонли “Ўзбекистон Республикаси худудидаги сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Термиз тумани худудларидаги сойлар, каналлар, қирғоқ бўйича ҳимоя минтақаларини қирғоқдан 150 метр, хўжаликлараро канал ва коллектор тармоқлари учун 12 метр ҳамда хўжалик ички суғориш ва зовур тармоқлари учун 3 метрдан 6 метргача этиб белгилансин.

2. Хўжаликлараро канал ва коллекторлар қирғоқ бўйи ҳимоя минтақасида сув хўжалиги идоралари рухсатисиз қурилиш ишлари олиб бориш, ифлослантирувчи нарсалар (ахлат, гўнг, саноат чиқиндилари, маиший оқавалар) ташлаш, шунингдек, заҳарли дорилар, минерал ўғит омборлари, ёнилғи-мойлаш материаллари омборлари, автомобиллар ёнилғи қуйиш шахобчалари, молхона, паррандачилик корхоналари ва бошқа ифлослантирувчи корхоналар қуриш қатъиян ман этилганлиги белгилаб қўйилсин.

3. Туман худудларидаги магистрал, хўжаликлараро ва ички канал ҳамда коллекторлар қирғоқ бўйи ҳимоя минтақларига сув хўжалиги идоралари рухсати билан қирғоқларни мустаҳкамлаш, сув буғланишини камайтириш мақсадида мавсумий қишлоқ хўжалиги экинларини экишга рухсат берилсин.

4. Мазкур қарор “Жануб қуёши” газетасида эълон қилинсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

Сканировано с CamScanner

5. Мазкур қрорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Б.Хаитов зиммасига юклатилсин.

6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Туман ҳокими **Ш.Уринов**

Termiz tuman hokimligi
ASLIGA TO'G'RI